

**Б.Йўлдошев – ф.ф.д., СамДУ профессори,
Д.Йўлдошева – СамДУ қошидаги 1-сон АЛ ўқитувчиси**

АЁЛЛАР ИСМЛАРИНИНГ ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

Маълумки, “гендер” тушунчаси социология ҳамда психология фанларида “биологик жинс” тушунчасидан маълум даражада фарқли хусусиятга эга. Бунинг асосида эса жамиятда эркак ва аёлларга хос бўлган белгилар замирида шаклланган “ижтимоий жинс” тушунчаси ётади [1]. Фарб ва рус тилшунослигида кейинги ўн беш-йигирма йил давомида тил ва гендер ўртасидаги ўзаро муносабатларни тадқиқ этиш бўйича бир қатор ишлар яратилди [2]. Бу тадқиқотларда олимлар тил бирликларига нисбатан гендер муносабатни аниқлашда асосан қуйидаги икки томонга эътиборни қаратмоқдалар: а) аёл ва эркаклар маълум бир воқелик ёки унинг парчасини тасвирлашда, ёки бошқа ҳолатларда фикрларини ўзига хос тарзда баён этиш усуллари, яъни аёл ёки эркак шахсининг мулоқот жараёнидаги нутқининг гендер хусусиятини аниқламоқдалар; б) маълум бир тил тизимида аёллик ва эркаклик белгилари билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи лисоний бирликларни фарқлашга интиломоқдалар. Биз ҳам ана шу нуқтаи назардан ўзбек тили антропонимлар тизимида мавжуд бўлган аёллик белиглари аниқлаш масаласига маълум даражада тўхталмоқчимиз.

Шуниси эътиборлики, бизни ўраб олган мафтунок олам ҳақида ҳаёл сурад эканмиз, биринчи навбатда, аёллар эсга келади. «Аёл гўзаллиги шундай жозибали кучки, унинг олдида ҳатто фил ҳам тўхтаб қолади», дейилади япон халқ мақолларидан бирида.

Улуғ донишмандлардан бири таъкидлаганидек, “агар аёл бўлмаса, биз ҳеч қачон гўзалликнинг жозибаси ва камолини мукамал ҳис қила олмаймиз, эстетик дидимизни етуклик даражасига етказа олмаймиз”. «Ердаги барча гўзалликлар аёлга муҳаббат туфайли юзага келган», деган эди улуғ адиб Л.Толстой. Дарҳақиқат, аёлни эъзозлаш, ардоқлаш инсон ахлоқий-маънавий камолотининг гултожи саналади. Аёлни эъзозлаш ҳисси тарихан жуда кўҳна ва ҳамиша навқирон бўлиб, у сарҳад ҳам, чегара ҳам билмайди.

Мурғак чақалоқ дунёга келиши биланок уни икки нодир насиба кутиб туради. Буларнинг бири - онанинг оқ сути. Она сути фарзанд учун вақтинчалик озуқа, аммо бу оқ сут қарзини оқлаш - ҳар бир фарзанд учун бир умрга татиғулик фарзу қарзидир.

Гўдакка аталадиган иккинчи илк насиба, тенгсиз совға бу - муносиб, мазмунли исмдир. Дарҳақиқат, исм (антропоним) инсон учун нодир ва бетакрор тухфадир. Исмни ота-она чексиз меҳр, масъулият билан танлайди, бунда мурғак чақалоқнинг ўғил ёки қиз эканлиги, жинси албатта инобатга олинади. Шу билан бирга болага қўйилаётган исмда ота-оналарнинг фарзандига бўлган барча эзгу тилаклари, орзу-умидлари мужассамлашади. Ота-оналар боламизга муносиб, хосиятли исм берсак, у унинг ҳаётига, тандири ва келажагига ижобий таъсир қилади, бола ўз исмида ифодаланган

орзу-истакларга эришади, исмига мос бўлиб улғаяди, деб ишонишади. Бу ишонч бизга ўтмиш аجدодларимиздан мерос бўлиб келаётган жуда қадимий маънавий эътиқод, меросдир. Исм кўпгина муносабатларнинг, орзу-истакларнинг, эзгу тилакларнинг, шу билан бирга гендерологик омилларнинг лисоний воситасидир. Исм, аввало, шахсларни оилада, жамиятда ўзаро фарқлаш, ажратиш учун хизмат қилади, оилада эса унинг исмини айтиб эркалашади, суйишади, чақиришади, макташади, керакли ўринларда танбех ҳам беришади. Демак, болага қўйиладиган исм унинг жамиятдаги мавқеини, жинсини фарқлашнинг муҳим социолингвистик белгиси саналади [3].

Шу сабабли бизнинг аجدодларимиз болани номлаш ишига жуда масъулият билан, мўътабар ишдеб қарашган. Айниқса, қизларни номлашда бу масъулият бутун борлиғи билан намоён бўлган.

Проф.Э.Бегматовнинг кўп йиллардан буён олиб бораётган кузатишлари шуни тасдиқлайдики, “тилимиздаги деярли барча антропоним (исм, лақаб ёки тахаллус)ларнинг яратилиш мотивида инсоннинг, яъни болага исм қўювчиларнинг (номинаторларнинг) истаги, умид ва орзулари ўз ифодасини топган бўлади” [4]. Бу эса антропонимларни гендер хусусиятларига кўра кенг миқёсда ўрганишдек муҳим вазифани қўяди.

Ўзбек қизларига берилган исмларда одобилик ва покизалик, муноси меҳрибонлик ва софлик, меҳру оқибат ва вафо, нафислик ва мулойимлик, очиқ кўнгиллик ва дилкашлик, бокиралик ва ҳаё, меҳнатсеварлик ва маҳорат, жасурлик ва матонат, илму маърифатга ташналик ва донолик, саранжом-саришталик ва орасталик, чиройлилик ва мафтункорлик, нозик дид ва фаросатлилик, миллий урф-одатларга садоқат, гўзалликнинг нафис, ўзбекона сирларини эъзозлаш мотивлари ўзининг бетакрор таърифу тавсифини топган.

Келтирилган бундай муҳим ижтимоий-маданий тушунчалар ўзбек қизларига хос социолингвистик ва гендерологик хусусиятларни ўзида ифода этади ҳамда уларга қўйиладиган минглаб номларда ўз аксини топган. Бу ўринда аёлларга хос антропонимларнинг барчасига тўхташ, уларнинг номланиш мотивларини гендерологик жиҳатдан изоҳлаш имконияти бўлмагани учун қуйида аёлларга хос гўзаллик, чиройлилик - умуман, эстетик дид билан алоқадор исмларга тўхталамиз. Ўзбек қизларига бериладиган мана шундай мазмунли исмлар биз тўплаган материалларда 450 дан ортиқ эканлиги маълум бўлди [5].

Бу антропонимлар ўзбекларда қиз фарзандига муносабатнинг қанчалик ижобий бўлиб келганини ифодалабгина қолмасдан, балки ўзбек ота-оналарининг гўзаллиқни, нафосатни англаш, ҳис қила олиш дидининг ниҳоятда юксаклигидан дарак беради.

Оилада қиз бола туғилар экан, ота-она уни кўпинча ёруғлик ва нурга қиёс қилади. Нур, нурли ҳаёт, аввало, поклик ва кўркемликнинг, порлоқ келажакнинг нишонасидир. Аёлларга хос қуйидаги антропонимлар ушбу тасаввурнинг далили бўла олади: *Ёрқиной, Равшаной, Анвара, Зиёбуви, Зиёхон, Моҳинур, Нургул, Нургўзал, Нуржаҳон, Нурунисо, Нурқиз, Нурой,*

Нурюз, Ойдин, Мунаввара кабилар.

Қизалокни ёғду ва нурга менгзашар экан, ота-онанинг истак ва умидлари сарҳад билмайди ҳамда она заминда туриб, бепоен кўкка нигоҳ ташлайди, чексиз самонинг қадимдан гўзаллик ва нафосат-нинг, юксаклик ва бахту икболнинг бекиёс тимсоллари бўлган сайёралар кўкдан ерга, қизалокнинг ёнига тушади, унга берилган исмда муҳрланади. Бу исмларда кишилар ўз фарзандининг кўркемлигини мадҳ қилишнигина эмас, балки унинг келажаги ва икболи ўша ой, офтоб ва юлдуз каби юксак бўлишини орзу қилиш маънолари ҳам ўз ифодасини топади. Мазкур исмлар ҳар қандай дилни китиклайдиган даражада жозибали характер касб этади. Бу жиҳатдан аёлларга хос қуйидаги антропонимлар характерлидир: *Бадрия, Бибиқамар, Моҳбону Моҳида, Моҳинахон, Моҳиҷамол, Моҳилиқо, Моҳина, Моҳинур, Моҳирўй, Моҳисулув, Моҳчеҳра, Моҳсиймо, Кунсулув, Ойбека, Ойбиби, Ойгул, Ойгўзал, Ойҷамол, Ойқиз, Зухра, Қамара, Сурайё, Хулкарой, Хурида, Шамсия, Шамсинур, Шамсирўй, Чўлноной, Қуёшой, Қуёшхон, Қуной, Кунсулув, Офтоб, Кавкаб, Кавкабой, Юлдуз, Ҳилола* кабилар.

Айрим ҳолларда кишилар қизнинг хусну латофатини, одобли ва нафис фазилатларини ўша тушунчаларга мос келадиган сўзлардан ҳосил қилинган антропонимлар билан таърифлашга эътибор қаратишади: *Барно, Зежирим, Бибисулув, Жамила, Жамола, Зебохон, Зебогўзал, Зебоҷамол, Зебонисо, Зебочеҳра, Латофат, Латифа, Кўркемой, Гўзал, Гўзалхон, Махлиё, Мунаққаш, Нафосат, Париваиш, Сулув, Сулувбека, Тонгсулуе, Элгўзал, Элсулув, Ҳусния* каби.

Қадим-қадимдан ўтмиш аждодларимиз ота-оналарнинг ўз фарзандини шунчаки «чиройли», «гўзал», «мафтункор», деб қўяқолиш унчалик қониқтирмаган. Натижада, кишилар болани номлаш учун бу оламда мавжуд бўлган жамики гўзал нарсаларнинг хусусиятлари номи билан аташга интиланлар. Шу боис гўзаллик тушунчаси аниқ ва ишончли, моддий, реал асосларга эга бўла борган, инсоннинг эстетик тафаккури бойиб, таъсирчан мазмун касб этган исмларда «чиройлилиқ», «нафосат» кирраларини, сирларини ифода этувчи тушунчалар доираси кенгайиб борган. Қизларни хилма-хил мафтункор антропонимлар билан аташ удуми асрлар оша тилимизда сайқаллана борган.

Қиз бола, унинг хусну тароватини, сарвдек қомати-ю, нафис фазилатларини ҳар тарафлама тавсифу таърифлар қилувчи исмлар миқдоран кўпайиб, бойиб борган. Э.Бегматовнинг “Ўзбек исмлари маъноси” китоби (2010)даги 14.600 дан ортиқ исмларининг етмиш фоизи қизлар исми эканлиги ҳам бу фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Энг аввало, аёл зотига энг яқин, энг кадрли нарсалар номи исм сифатида танланган. Қуйидаги исмларга разм солсангиз бунга ишонч ҳосил қиласиз. Исм нафосат рамзи бўлмиш гуллар ва бошқа хил ўсимликлар номидан танланган: *Атиргул, Оқчагул, Бодомгул, Бўтагул, Аноргул, Гулдаста, Райҳоной, Гуллола, Гулмайса, Гулҳилол, Гулнора, Гулраъно,*

Гулсавсан, Гулсафсар, Гулчечак, Гулқаҳқаҳ, Дастагул, Чарос, Зарчечак, Зирагул, Нилуфар, Лола, Лолагул, Ниҳолгул, Раъно, Садбарнисо, Суманой, Тиниқгул, Зайтуна, Чиннигул, Чечак, Чечакгул, Шонагул, Қизилгул, Қўзигул, Гунчагул, Ёсуман, Жамбил, Жамбила ва бошқалар.

Ўзбек тилидаги бир катор аёллар исмининг таркибида гул сўзи иштирок этади. «Гул» компонентли антропонимлар гендерологик жиҳатдан фақат аёлларга хос латофатни, майинлик ва нафисликни, ёқимлилик ва яқинликни, садоқатни бетақдор тарзда ифодалаши билан характерланади:

- умуман аёлнинг кўриниши, жамоли гулга қиёс қилинади: *Гулбарг, Гулбаҳор, Гулбезак, Гулгўзал, Гулдаста, Гулжамол, Гулзебо, Гулнасаб, Гулсара, Гулпари, Гулрафтор, Гулсифат, Гул-сулув, Гунчахон, Гулсаҳар, Тонгули, Бойчечак, Бўстонбиби, Чаманой, Гулзор, Гулгуна* кабилар;

- қизнинг юзу ёноқлари гулга қиёсланади: *Гуландом, Гулёноқ, Гулменгиз, Гулранг, Гулрухсор, Гулрўй, Гулханда, Гулчехра, Гулюз* каби;

- қизнинг қадду қомаги гулга, баъзи дарахтларга нисбат берилади: *Гулбадан, Гулсиймо, Гулчирой, Раъноқад, Сарви, Сарвинисо, Сарвқад, Чинора, Шамшод, Шамшодой* каби;

- аёлларга хос беозорлик, латофатлилик сингари нозик фазилятлар гулнинг майинлигига қиёс қилинади: *Гулноза, Гулнозик* каби;

- қизнинг улғайиб, ҳаёти доимо гуллардек, гуллар чаманидек яшнаб туриши, турмуши бахтли, шодон гулларга бурканган бўлиши орзу қилинади: *Гулбезар, Гулбон, Гулбўстон, Гулзор, Гулистон, Гулнавоз, Гулоро, Гулором, Гулношиа, Гулсевар, Гулсуяр, Гултерар, Гулфом, Гулханда, Гулчаман, Гулшайдо, Чаманой, Бўстон* кабилар;

- ҳатто бола туғилганда унинг баданида мавжуд бўлган баъзи ғайритабиий, ғайриодатий белгилар ҳам исмлар таркибида қандайдир кўркамлик рамзи сифатида тасаввур қилинади: *Зебохол, Менгул, Менгжамол, Менглисулув, Менгличучук, Нозменгли, Норгўзал, Норсулув, Норчучук, Олтинсоч (сарик сочли қиз), Оқбилак, Оқтомоқ, Оқхол, Қаламқош, Тожиғўзал, Тожигул, Холгўзал, Холчучук, Шаҳлохон* каби;

Шуниси эътиборлики, қиз болани чиройли исмлар билан номлаш орзуси кишиларни атрофдаги табиат ва инсон қўли билан яратилган гўзаллик намуналари номини қизларга исм сифатида танлашга олиб келган. Кишилар баъзи ҳайвон ва қушлардаги хусусиятларда чиройлилик қирраларини кўрганлар. Баъзи қимматбаҳо мато ва буюмлар, бойлик, бахту омад, энг муҳими, кўзни ўйнатувчи товланишлар манбаи бўлган нодир ва ноёб жавоҳирлар номи исм вазифасига кўчган, шу асосда аёллар номини янги-янги тушунчалар билан бойитишга восита бўлган. Масалан, *Бўтакўз, Қуралай, Кийикжамол, Жайрахон, Ғазола // Ғизола, Қундуз, Қундузой, Маралбиби, Маралжамол* кабилар шулар жумласидандир. Турли қушлар номи (орнитонимлар) ҳам қизларга қўйиладиган нафис исмлар сирасига киради: *Булбулой, Тўрғай, Тўтибиби, Қалдирғоч, Қарқара, Ойтовус, Суқсурхон, Сўна, Турнахон, Ҳумо, Ҳумогул* кабилар. Шу билан бирга, турли

матолар, қимматбаҳо тақинчоқлар, безаклар номи ҳам қизларнинг исми сифатида қўлланади: *Атласхон, Бахмалой, Ипаксулув; Ақиқ(а), Марварид, Маржоний, Гавҳарой, Ганжина, Кумуш, Жавҳар, Динора, Дурбиби, Дурнисо, Дурдона, Ёкутой, Ёмбихон, Жавоҳира, Заркумуш, Зарсулув, Инжубека, Зарбиби, Заргул, Узукхон, Нигина, Биллурой, Тилла, Тиллахон, Қандолат, Олтиной* ва бошқалар.

Кишилар аёлларнинг баъзи ўзига хос хислатлари ва табиатидаги кўркемлик қирраларини кашф қилишган ва қизларни мана шунга мос ва хос номлар билан аташга интиланган. Мана бу исмлар фикримизга ёрқин далилдир: *Ҳаётхон, Гулҳаё, Дилбар, Дилкаш, Дилрабо, Дилқиз, Назокат, Нафиса, Нафосат, Нозанин, Нозли, Нозлисулув, Оқният, Оққўнгил, Оқюррак, Садоқат* кабилар.

Инсон фақатгина ташқи гўзаллик, латофат билан эмас, балки ички руҳий-маънавий гўзаллик туфайли ҳам мукаммал, баркамолдир. Негаки қизларнинг руҳий оламини, ички латиф туйғуларини озода, покиза ва саранжом-сариш-та бўлиш ҳам ташкил қилади. Бу қиз бола ички дунёсининг оламини мукаммал ва гўзал бир тарзда ҳис қилишидан дарак беради. *lily* сабабли ҳам ота-она фарзанди улғайганда унда мана шу фазилатларни кўришни орзу қилади ва жажжи қизалоқни мана шунга мос равишда номлашга интилади. Бу исмлар ниҳоятда кўркем ва бетакрордир: *Бегубор,, Дилҳавас, Ойтоза, Зилол, Зилола, Иффатой, Маъсума, Мукаммал, Мусаффо, Оппоқой, Оқният, Озода, Покиза, Ораста, Оройиш, Сўлимбиби, Тиниқ, Тиниқбиби, Уфора, Холисхон* каби.

Шундай қилиб, ўзбек қизларига, умуман, аёлларга гендерологик жиҳатдан хосланган антропонимлар маъно ва шаклига кўра гўзаллик ва нафосатнинг бетакрор гулшани, сўлим боғи сифатида ёрқин таассурот қолдиради. Бу антропонимларда ўтмиш аجدодларимиз - ота-оналар чақалоқ жигаргўшалари учун асрлар давомида ижод қилган маънавий, лисоний ва эстетик бойлиги ҳамда гендерологик хусусиятлар ўз аксини топган. Тилимизнинг бу антропонимик бойликка тўғри, ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уни асраб-авайлаш, энг муҳими, ўз исмига муносиб бўлиш, уларни ҳужжатларда тўғри акс эттириш, ёзиш инсоннинг жамиятдаги энг қадрли хислатларидан бири саналади.

Ўзбек тилига оид антропонимларга хос юқоридаги далиллар шунини кўрсатадики, ўзбек тили материаллари асосида гендерологик характердаги тадқиқотлар ўз объекти, муҳокамага лойиқ муаммолари, назарий фараз ва таҳлил усулларига эга [6]. Бу йўналишда самарали илмий кузатишлар олиб бориш учун дастлаб гендерологиянинг илмий-назарий асосларини белгилаб олиш, ўзбек тилидаги гендерологик тушунчалар тизимини аниқлаб чиқиш зарур, деб ўйлаймиз.

Адабиётлар:

1. Гриценко Е.С. Язык как средство конструирования гендера. Авторф. дисс... доктора филол. наук. – Нижний Новгород, 2005. – С. 4-5.

2. Бу ҳақда қаранг: Гендер: язык, культура, коммуникация // Материалы третьей международной конференции. – М.: 2003. – 215 с.; Сафаров Ш., Боймирзаева С. Гендер тилшунослиги ва матн тадқиқи // “Хорижий филология”, Самарқанд, СамДЧТИ нашри, 2006, № 4. – Б. 18-19.

3. Кенжаева С.Э. Ўзбек антропонимларининг семантик ва социолингвистик тадқиқи. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – Б. 13-15.

4. Бегматов Э. Антропонимлар - антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013, № 3. – Б. 37.

5. Аёлларга хос антропонимлар куйидаги манба асосида тўпланди: Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари маъноси (14.600 исмлар изоҳи). 3-нашри. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – 608 б.

6. Қурбонова М. Гендеролингвистик тадқиқ янги парадигма сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2014, № 2. – Б. 46.